

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМДА
РАДИО ВА АЛОҚА ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ**

Абдуллаев Жасурбек Рахимбой ўғли

Хоразм Маъмун академияси 3-босқич докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада республикада радио ва алоқа соҳаси фаолияти, Хоразм вилоятида алоқа тизими муаммо ва камчиликлари, шу тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар фаолияти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: телефон, почта, телеграф, радио алоқа, фронт, матбуот, эвакуация.

Абстрактный. В данной статье анализируется деятельность сферы радиосвязи и связи в республике, проблемы и недостатки системы связи Хорезмской области, а также деятельность сотрудников, работающих в этой системе.

Ключевые слова: телефон, почта, телеграф, радиосвязь, фронт, печать, эвакуация.

Abstract. This article analyzes the activities of the radio and communications sector in the republic, the problems and shortcomings of the communication system of the Khorezm region, as well as the activities of employees working in this system.

Key words: telephone, mail, telegraph, radio communications, front, printing, evacuation.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига келиб республиканинг барча алоқа органларида бошқа соҳаларда бўлгани каби иш кунининг янги тартиби белгиланди. Иш бошқа алоқа бўлимлари билан мувофиқлаштирилди. Республиканинг барча худудларида алоқа бўлинмалари ўртасида координаталарни, алоқаларни ўрнатиш, шунингдек алоқа воситаларининг режа бўйича ҳаракати қобилиятини ривожлантириш бўйича штаб тузилди. Алоқа соҳасида фронтга ёрдам бера оладиган алоқа воситалари, алоқа воситалари учун эҳтиёт қисмлар ва ҳарбий қисмларни йиғиш бўйича тезкор гуруҳ тузилди[1].

Ушбу тадбирларнинг барчаси аниқ ва ўз вақтида амалга оширилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида, Республиканинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида махсус қўшимча тадбирлар ўтказилди. Совет Иттифоқининг ғарбий қисмларидан кўчириб келтирилган завод ва фабрикаларни алоқа воситалари билан таъминлашнинг аниқ тартиби ишлаб чиқилган. Бунинг учун барча зарур материаллар ва воситалар тайёрланди. Ўзбекистон ССР Мудофаа вазирлиги кўрсатмаси асосида колхоз ва совхозлар ўртасида почта ва хат-хабарларни ташиш

ва етказиб беришни таъминлаш учун барча зарур нарсалар, жумладан от аравалари билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузилди[10].

Иккинчи жаҳон уруши республикамизнинг барча аҳолисида ватанпарварлик руҳини уйғотди. Уруш йилларида ўзбек сигналчилари ҳам “Ҳаммаси фронт учун!”, “Ҳаммаси ғалаба учун!” шиорлари остида яшадилар, ва тинмай кечаю-кундуз ўз ишларида ишлашди. Дам олиш ва ухлашни унутиб, халқ учун ҳам, фронтда бўлган биродарлар учун ҳам ишладилар. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин.

Хоразм вилояти Урганч почта бўлимидан почтачи Розия Бабаева ўн беш ёшида оғирлиги бир неча ўн килограмм бўлган улкан, оғир ўрам хатларни олиб, бир ўзи пиёда почтани Урганч шаҳри ва Урганч тумани бўйлаб тарқатиб юрган. У кунига бир неча ўнлаб километр пиёда юриши керак эди.

Розия Бабаеванинг ўзи берган оғзаки тарихий маълумотларига кўра, у ёки бу уйга “қора хат” олиб борганида эшикни тақиллатишдан кўрққан. Лекин у ҳеч қачон унга айтилган ҳақоратларга қулоқ солмаган ёки хатто ғазабланган ва қайғули бевалар ва оналарнинг ҳақоратларини қабул қилмаган. У хат тарқатиш учун кўчада пайдо бўлганида, аҳоли кўрқувдан уйларига қочиб кетишган, у эшикни тақиллатганда, улар узоқ вақт очмаган. Аммо буларнинг барчасига қарамай, у ҳар куни эрталаб ўз ишига борган ва ўз вазифасини ҳар қандай қийинчиликка қарамай бажарган[10].

Шундай масъулиятли инсонлардан яна бири бу Давлетова Сафаргулдир. У 1943-1945 йилларда Гурлан туман комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган бўлишига қарамай урушга кетган йигитларнинг оилаларига бориб уларнинг холидан ҳабар олиши билан бирга, аскарлардан келган мактубларни ўз эгаларига етказиб беришдек масъулиятли ишни ҳам амалга оширган. Ёш бўлишига қарамай С.Давлетова оғир хатларни кўтариб пиёда уйма-уй юриб фронт мактубларини тарқатиш ва фронтга хат ёзиб жўнатишдек масъулиятли ишларни қилган[2].

Бундай масъулиятли ишлар эркак кишилар томонидан ҳам амалга оширилган. Уруш йилларида вилоят сигналчиларидан хоразмлик Йўлдошев Худоёр вилоят алоқани таъминлаш, почта ва ёзишмалар ҳақида ҳабар бериш, ахборот билан таъминлашга катта ҳисса қўшган.

1941 йилда Хоразм вилоят алоқа идораси шаклланди[5]. Иккинчи жаҳон уруши йилларида почта хизмати ходимлари мураккаб шароитда ишлашларига қарамасдан, одамларнинг кўнглини кўтариш, ғалабага бўлган ишончини ошириш учун астойди ҳаракат қилганлар. Жангоҳларда алоқачилардан Юсуп Бекчанов, Абрам Дессер, Сапо Қазақов, Ибрагим Матназаров, Худоёр Юлдашевлар катта жасорат кўрсатишган[15]. Урушда вилоят аёлларидан 350 дан ортиқ катнашган[4].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, радионинг кундалик турмушдаги мавқеи ниҳоятда ортган. Аҳоли уруш жангҳоқларидаги аҳволдан радиокарнайлар орқали хабардор бўлиб турган. Шу йиллари вилоят радиосида бош муҳаррир Оллаберган Бобожонов, муҳаррирлар Эгам Раҳим ва Мария Пильнова, адабий ходим Карим Раҳимов, диктор бўлиб Ойбиби Худойберганова ва Левчук ишлашган[5].

Хоразм вилоятининг узоқ туманларига почта ҳаракатланишини бир меъёрда бошқариш учун Нукусда жойлашган махсус 239-авиаотряд билан шартнома тузилиб, Манғит, Гурлан, Хива ва Ҳазораспга почта самалёт орқали етказилган. Муассаса шартномани тасдиқлади, лекин бу мақсад учун маблағ ажратилмагани натижасида 400 минг рубл қарздорлик юзага келди. 1945 йил 20 февралдан почтани элтиб бериш тўхтатилди. Негаки қарздорлик 55 минг рублгача ўсгани қайд этилган эди[6].

Радио фаолиятида ҳам уруш йилларида камчиликлар кўзга ташланиб турган. 1941 йилда Урганч шаҳаридаги хотин қизлар клубида радио хаваскорларининг кенгаши бўлиб ўтган. Кенгашда музокарага чиқиб гапирган Давлатов, Қутлимуродов ва Худойберганов сўзларидан радио эшиттириш ва тингловчиларнинг радио точкалари ўрнатиб бериш юзасидан бўлган талабларига жавоб бериш қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлган. Радио комитети бошлиғи Холматов сўнгги кунларда маҳаллий ахборотларни жуда кам бераётганлиги айтиб ўтилган. Радио станция бир вақтда бирданига учта тўлқиндан олиб эшиттирган. Натижада ахборот нима тўғрисида кетаётганини билиб бўлмаётганлиги халқ эътирозига сабаб бўлган. Кенгаш радио эшиттиришни яхшилаш, уни меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талаблари даражасида ишлайдиган холга келтириш ва радио точкалари ўрнатиш ишини кўнгилдагидек уюштириш, бутун радио точкаларини мунтазам ишлаб туришини таъминлаш тадбирларини белгилайдиган қарор қабул қилган[7].

Урганч туман Киров қишлоқ советидаги Партия XVII сезди номли колхоз шаҳарчасида 35 та радио точки ўрнатилган. Радио точка биринчи навбатда колхознинг стахановчи ва ўнбешмингчи теримчиларидан Р.Сафоева, Эшчанова, Рахматуллаева ва Отаеваларнинг уйларида ўрнатиб берилган[8].

Хабар ва эълонларни аҳолига етказувчи радиога аҳолининг қизиқиши жуда катта бўлган. Халқ радиони хавас билан тинглаган, ундан рухий озуқа олишган. Уруш йилларида радио эшиттириш ишини кенг йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинган. Ҳаттоки, туманларнинг ўзида маҳаллий эшиттиришлар ташкил қилинган. Ҳазораспда ҳам бундан бир неча ой бурун маҳаллий радио эшиттириш редакцияси ташкил қилинган[9].

Бир сўз билан айтганда уруш йилларида барча алоқа ва почта ходимлари Республикамининг бутун аҳолиси каби ғалаба йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Почта алоқаси каби радио ҳам одамлар ҳаётида катта рол ўйнади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, айниқса, радионинг кундалик турмушдаги мавқеи ниҳоятда ортган. Уруш жанггоҳларидаги аҳволдан аҳоли радио карнайлар орқали хабардор бўлиб турган. Шаҳар кўчалари ва бозорларда, одамлар кўп тўпланадиган жойларда ўрнатилган овоз кучайтиргичлар орқали “Совинформбюро” маълумотлари дахшатли уруш нафасини етказиб турган ва халқни ғалабага руҳлантиришда муҳим роль ўйнаган. Уруш йилларида “Фронтдан ва фронтга хат”, “Армия ва флот учун” рукнидаги эшиттиришларини республика аҳли жон кулоғи билан тинглаган.

Адабиётлар:

1. Жўраев Л.Н... Учебное пособие Современной почты. Т., 2016. С. 31.
2. Жуманиязова Ф.Ж. “Фронт ортида меҳнат қилган жонкуяр аёл”. Хоразм истеъдоди. 2022 йил июнь. 3-бет.
3. Jumaniyazova F.J. “Khorezmian women on the fronts of the Second World War (based on archival documents)”. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) DOI:10.48047/INTJECSE/V15I2.79 ISSN: 1308-5581 Vol 15, Issue 02 2023.p.570.
4. Мавлонов Ў., Ахмедов С., Умаров Б. Почта Узбекистана: история и развитие. Т., 2014. С. 120.
5. Хива алоқа тарихи музейи маълумотлари. 2017 йил.
6. Хоразм вилояти Давлат архиви, 251-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 2-варақ.
7. Хоразм хақиқати 1941-йил 3-март. Н;52 (3748). Газетада 3-бет.
8. Хоразм хақиқати “ 1942-йил 13-сентябр. Н;212 (4220).
9. Хоразм хақиқати “ 1944-йил 27-сентябр. Чоршанба. Н;190 (4760).
10. Юсупов И.С.“Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи” (Хоразм вилояти мисолида). Бухоро. “Дурдона” нашриёти. 2022 йил.